



# Ishonch

МОҲИЯТ

**Давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг юксак қадрият ва бойлиқдир.**

Ислом КАРИМОВ

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

**2010 йил – Баркамол авлод йили**



## Гулнознинг изланишлари

Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабаси Гулноз Холмуродова тиришқоқлиги, илмга бўлган қизиқиши билан тенгқулларига ўрناк бўлаётди. У замонавий ахборот-коммуникация технологияларига оид билимларни чуқур эгаллашга интилади. Гулноз ўзи танлаган касбининг сирасорини устозларидан кунт билан ўрганибгина қолмай, кўп вақтини янги маълумотлар олиш учун интернет тармоғида, қўшимча адабиётлар билан ташиши мақсадида кутубхоналарда ўтказиши. Унинг бу изланишлари зое кетма-

ди. Иккинчи босқичда тахсил олаётган пайтидаёқ устози доцент Шайхмад Бурхоннинг кўмағида алоҳида веб-сайт яратишга киришди. Қорақалпоғистондаги биринчи аёл бастакор — Абадан Сапарованинг ижоди ва ҳаёт йўлига бағишланган [www.asaragova.qr.uz](http://www.asaragova.qr.uz) сайти Гулнознинг изланишлари ва интилишлари самараси бўлди. Ушбу сайт 2010 йилнинг июн ойида интернет тармоғига жойлаштирилди. Ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида яратилган ушбу сайтга шу пайтга қадар мингта яқин киши му-

рожаат этган. Мазкур сайтдан бастакор яратган қўшиқлар, уларнинг ноталари, қўшиқларига ишланган видеоқлиплар, фотогалерея, шунингдек, қорақалпоқ миллий музыкасига бағишланган китоб, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб чоп этилган рангли журналнинг электрон нусхалари ўрин олган. —Ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан бўлган шоғирдимнинг муваффақиятлари билан фахрланаман, — дейди Гулнознинг устози Меҳрибон Пирназарова. — У яратган веб-сайт

«Келажак овози — 2010» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ахборот технологиялари номинациясида биринчи ўринга лойиқ топилди ва шу йил декабр ойида Тошкентда ўтказиладиган мамлакат босқичига йўлланма олди. **Суратда:** (чапдан) Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабалари Низаматдин Холмуродов, Гулноз Холмуродова ва Бекбосин Холмуродов. **А. КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат**

## Янги кун янгиликлари

Кўшқўпир туман марказидаги деҳқон бозори ўрнида замонавий лойиҳа асосида қурилган янги бозор фойдаланишга топширилди. Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

### Бозорингизни берсин

— Ҳозирда 120 ўринли бозорни янада кенгайтириш режалаштирилган, — дейди деҳқон бозори раҳбари Р.Ражабов. — У билан ёнма-ён буюм бозори ҳам ишга туширилади. Қўшгача икки жойда усти ёпиқ расталарда маҳсулот сотиш йўлга қўйилади. Айни пайтда мазкур бозор расталари куз неъматлари билан сероб.

С.АБДУЛЛАЕВ

Шўхрат Фатуллаев Когон шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлимида ишчи вазифасида меҳнат қилади. Уйи корхонасидан анча олисда. Ҳозиргача унинг ишга катнаши учун йўл ташвиши мавжуд эди.

### Ишга — велосипедда

Яқинда корхона маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида ушбу муаммага чек қўйилди. Узоқдан қатновчи ходимлар бепул янги велосипед билан таъминланди. Бундай гамжўрликдан ходимлар беҳад мамнун бўлишди.

— Жамоамиз ташкил топганига ҳали унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, меҳнат аҳлининг унумли ишлаши, яхши дам олиши, илғорларнинг рағбатлантирилиши борасида астойдил қайғурилмоқда, — дейди корхона касоба уюшма кўмитаси раиси Бахшилло Муктумов. — Биз шахримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга эътиборни ошириш билан бир қаторда, жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни ҳам муҳим вазифаларимиздан бири санаймиз.

Изаатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Фаргона вилоятида 1995 йили тоза ичимлик суви таъминоти аҳолининг 54 фоизини қамраб олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 97 фоизга етди.

### Муаммо ҳал бўлди

Бешарик тумани қишлоқларида бу борада амалга оширилаётган ишлар анча салмоқли. Жумладан, жорий йил бошидан бўён Зарқайнар, Яқкатут, Соилаби, Қўрғонча қишлоқларида тик артезан қудуқлари қавланади. Зарқайнарда 100 метр, Яқкатут ва Соилабида 200 метр, Қўрғончада 1200 метр узунликда сув тармоғи тортилиб, тоза ичимлик суви келтирилди.

Ичимлик суви тармоғи тортиш кўрсаткичлари Оқтовуқ ва Навкатда 6 километр 300 метрни ташкил этса, Кум қишлоғида 17 километрга етди. Бешарикликларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 550 млн. сўм сарфланди. Айни кунда қўшимча бургулаш ва қувурлар ётқизиш давом эттирилмоқда.

Уллубек ИБОДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон Караван» МЧЖ тўла қувват билан иш бошлади. Умумий лойиҳа қиймати 117,6 минг АҚШ долларига тенг мазкур корхонада кунига ярим тонна ун қайта ишланиб, сифатли нон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

### Экспортбоп маҳсулотлар

Кўп ишлар хориждан келтирилган ускуналар кўмағида бажарилмоқда. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортаётди. Натижада, ички бозордан ташқари, ҳозиргача 50 миллион сўмликдан ортиқ қандолат маҳсулотлари экспорт қилинди.

А. МАНСУРОВ

Шахрихон туман прокуратураси ташаббуси билан ҳалқ таълими ва ички ишлар бўлиmlари ҳамкорлигида «Ёш авлодни миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида диний экстремизм гоъллари тарқалишининг олдини олиш» мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

### Кўргазмали семинар

Унда тумандаги умумтаълим мактаблари ўқувчиси ва ўқувчилари қатнашди. Семинар доирасида «Устоз-шоғирд» йўналишида хунар ўрганаётган ўқувчиларнинг кўргазмаси, тугаракларда тайёрланган иждоий ишлар ва ёш спортчиларнинг чиқишлари намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони Камолитдин Гофуров иштирок этиб, ўшарга тажрибаси ва илмий изланишларини ҳақида сўзлаб берди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

Деҳқонobod туманининг Бешбулоқ қишлоғи яқинида 20 та замонавий коттеж фойдаланишга топширилди.

### Замонавий турар-жойлар

Келгуси йили Қорашина кўрғонига ҳам тендер қиймати 1 миллиард 257 миллион сўмлик 20 та қулай ва шинам турар жой қуриб битказилади.

Янги уйлари «Элёр Маъруф Баҳоидорович» қурилиш-таъмирлаш хусусий корхонаси бунёд этмоқда.

Изаат ҲИҚМАТОВ

### Мусохаба

«...Инсоният тарихи маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамяят ва давлатнинг буюк бойлиги ва кучқудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди».

Ислом КАРИМОВ

## Олам ободлиги кўнгилдан бошланади



Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо билан суҳбат

— Шубҳасизки, инсоннинг асл қиёфасини сақлаб қолишда маърифат побсон бўлса, маънавият қалқондир. Суҳбатимизни шу тушунчалар маъно-моҳияти, қадриятлар илдизидан бошласак...

— Бугунги ривожланиш тамойиллари, миллий анъана ва қадриятлар, тарихий хотира, комил инсон тарбияси, жамяятда, қолаверса, бутун дунёда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ҳақида фикр юритар эканмиз, беҳитёр бу борада маърифат билан бирга маънавиятнинг ўрни нечоғлик аҳамиятли эканини дилдан хис қиламиз.

Гоҳо инсоннинг бахтиёрлиги ёки бахтсизлиги сабабини қидирамиз. Қайси бир давлатнинг қудрати ёки заифлиги боисини билиш, халқнинг фаровонлиги ёки қашшоқлиғига сабаб бўлган омилларни англашга интиламиз. Шундай кезлар беҳитёр улуг бобомиз Абу Наср Форобийнинг куйидаги хикмати эсга тушади: «Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро бир-бирларига ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирувчи юрт — фазилатли юрtdир. Бахтга эришиш мақсадида бир-бирларига ўзаро ёрдам берган халқ — фазилатли халқдир».

Устозлардан бири: «Жаҳонда юз бераётган барча урушлар, низолар моҳиятида шаксиз, инсон руҳиятидаги маънавий инкироз ётади», — деган эди. Инсониятни турли талотўллар, қирғинлар, фахш ва жаҳолат ботқоғи, ёвуалик гирдобидан фақат эзгулик асраб қолади. Эзгулик эса юксак маънавиятга асосланади. Шу боис маънавий камолотга интилиш, ёшларни улуг мақсади қилиб тарбиялаш, уларни илмга ошно этиб вояга етказиш бугун ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсониятнинг бебахор бойлиги бўлиши китоблар, аждодлар қолдирган тенгсиз маънавий мерос моҳиятида ҳам, аввало, таълим-тарбия, камолотга етакловчи давлат ётади.

Шарқ маънавий тафаккурида оламнинг ободлиги инсон кўнгли ободлигидан бошланиши, ташки оламнинг обод ёки вайрон бўлиши одамзод қалбида қандай куч, мақсад устувор экани билан боғлиқлиги эътироф этилган. Бугун тарих сабоқлари, дунёдаги воқеа-ҳодисалар, турли мақсад йўлида интилаётган кучлар ҳаракати моҳиятига назар солиб, уларнинг ички оламда қандай куч етакчилик қилаётганини билиб олиш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда)

### Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилди

## 2010 йилнинг январ-сентябр ойида:

Ўтган даврда 867 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, 156 та инвестиция лойиҳасини, шу жумладан, енгил саноат, тўқимачилик, озик-овқат, нефт-кимё, электротехника, фармацевтика саноатида, машинасозлик, металлургия ва бошқа соҳаларда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш тугалланди.



Ўзбекистон миллий автомагистрالي участкаларида 191 км. узунликдаги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш якунланганлиги, автомагистрал буйлаб 41 та йўлбўйи инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилганлиги алоҳида қайд этилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ маблаглари ҳисобига қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 3597 та уй ва 85 та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Республика бўйича 1965,8 км. водопровод тармоқлари ишга туширилди, шу жумладан қишлоқ жойларда — 1298,1 км.



Ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўлаб-қувватлаш кенгайтирилганлиги истёмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 баравар кўпайди.

Меҳнат бозорини барқарор ва мувозабатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.



Мусохаба

# Олам ободлиги кўнгилдан бошланади

Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо билан суҳбат

(Боши 1-бетда)

Мафқуравий курашлар, ахборот хуружлари кўчадан бораётган ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларнинг замон талаби асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мустақиллигимиз, оқсоқиллик ҳаётимизга ҳавф тўғдириши мумкин бўлган тажовузуларга қарши изчил кураш олиб бориш давр талабидир.

— **Дунёдаги тажовузор кучлар бугун мақсадларини эмас, балки ҳаракат услубини ўзгартирмоқда. Уларнинг нишонни миллиятларнинг қадрияти, тарихи, маданияти, ахлоқига қаратилмоқда. Бундай таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни ошириш борасида Марказ олиб бораётган ишлар хусусида тўхталсангиз...**

— Президентимизнинг «Оқсак маънавият — энгилмас куч» китобида айтилганидек: «Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат ҳавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажакини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланishi ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин». Қўриқиб турибдики, бу ҳавфнинг қуролланиб, қўшин тўплаб келган душмандан фарқи йўқ, лекин у инсон динирига заҳарлаш орқали иродани бўйсундиришга интилади. Иродасиз инсон эса ватанпарварлик туйғусидан йироқ бўлади.

Ватанпарварлар эл-юрт таянчидир. Улар нафақат ватанини севувчи, балки юртга ҳамisha фидо бўлишга тайёр инсонлардир. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланиш ва ўзгаришлар моҳиятини ҳаётий нишонлар орқали очиб бериш, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган турли инфоармация хуружларига нисбатан таъсирчан тарғибот воситаларини қўллашда марказимиз томонидан кенг жамоатчилик иштирокида талай ишлар қилинмоқда. Нафақат биз, балки минтақавий-ҳудудий бўлимларимиз ҳам, изчил фаолият олиб бормоқда. Маънавият тарғиботчисининг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, иқтисодий ислохотлар, тинчликни мустақамлаш борасидаги қатъий ҳаракатлар моҳиятидан халқимизни хабардор этиб боришидир.

Мустақиллик байрами арафасида 330 нафар олим, сиёсатчи, санъаткор ва ижодкор

зиёлидан иборат Республика тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди. Жорий йилнинг уч чорагида ўн саккиз минг уч юздан зиёд урғушув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. «Хотира — абадий, қадр — муқаддас», «Мустақиллик — энг улғун нёма», «Энг улғун, энг муқаддас мақсад — баркамол авлодни тарбиялашдир», «Соғлом она — соғлом бола — соғлом келажак», «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» каби мавзуларда ўтказилган 200 дан ортиқ тадбир ҳам шулар жумласидан. Марказ хузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» малака ошириш курсида жорий йилнинг шу даврига қадар 353 нафар маъсۇл ходим қайта тайёрланди.

ОАВ орқали 450 дан ортиқ чиқиш уюштирилди. Уч йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол тарғиботчиси» республика кўрик танлови 11 та вазирлик ва идора тизимида уч босқичда ўтказилиши йўлга қўйилди. Тарғибот технологиясини янада такомиллаштириш ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда махсус фильмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 21 та вазирлик ва идора орқали республикамизнинг барча муассасаларига «Эҳтиёт бўлинг, мултифилм», «Экрандаги олабўжи» ҳамда «Алло: огоҳ бўлинг!» фильмлари тарқатилди.

— **Интернет орқали тарқатилган ахборот ва мафқуравлар, чегараларни айлантириб, бозорларга қириб келётган аудио, видео, CD дисклар, ҳатто ўйинчоғу, парфюмерия махсуслотларига синдирилган ёвуз, ахлоқсиз, руҳий олам пойдеворини кўпоришга қаратилган ҳаракатларни қандай зарарсизлаштириш мумкин?**

— Асарларлар ини оғзида доимий равишда иккитаси пойлоқчилик қўлар экан, агарда арилардан бирортаси заҳарли гулғўдан тортган бўлса, уни инига қўймак экан. Бу ҳам табиатнинг бир қонуни. Аммо биз асарлари эмасмики, асал деб қалиб заҳар тотиб қўйган фарзандларимиздан осонгина воз кечиб юборасан. Шунинг учун, аввало, фарзандларимизга гулдан гулни фарқлашни ўргатмоғимиз лозим. Шукрки, асрий синовлардан ўтган халқонимиз — оқсак маънавиятимиз, маданиятимиз, ахлоқий мажмуамиз бор. Ҳаё, ибод, уят деган қўрғонларимиз, орият, бурч, инсоф, дивънат, садоқат каби маънавий қалъаларимиз, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, мурувват ва шафқат каби бўстонларимиз бор. Илм-маърифат, жасорат ва шижоатни дилига жо қилиб, комиллик йўлини тутган фарзанд-

ларимизнинг бахтли ва фаровон яшаши учун куч ва имкониятларини сафарбар этаётган, маънавий тарбия масаласини юксак тутган халқимиз бор. Ёшларимизнинг маънавий олами учун барчамиз бирдек маъсۇлимиз. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда ҳамкор вазирлик ва идоралар билан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида маъсۇл идоралар томонидан тасдиқланган доимий тадбирлар режасига асосан қатор текширувлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-сентябр ҳолатига кура Республика бўйича 1435 та ноқонуний фаолият аниқланиб, жами 345 минг 179 донна видеокассета, CD, DVD диски, 73 донна компьютер процессори ва бошқа далилий ашёлар олиниб, белгиланган тартибда чора қўриш учун суд идораларига топширилди. Масалан, «Янгиобод иқтисослашган бозори» МЧЖда шундай CD, DVD дисклари сотилаётгани аниқланиб, тегишли ташкилотлар билан биргаликда керакли чоралар қўрилди.

— **Давлатимиздаги оламга нур бериб турган чироклардан бири йиғон бўлса, иккинчиси — Ватанга муҳаббат, дейдилар...**

— Бир боғнинг обод бўлишида чумолининг-да ҳиссаси бор. Шу тупроқдан етишиб чиққан Бухорий, Самарқандий, Марғилоний, Термизий, Намангоний, Шоший, Хоразмий, Насафий каби алломалар бекторор асарлари билан жаҳонга танилиб, зиё улашди. Булар Ватаннинг бир парчасини юрагига жо этган ватанпарварлардир. Жалолитдин Мангуберди шижоати, Амир Темур жасорати, Бехбудий маърифати... Улар кўксидан Ватан деган қўшини кўтариб яшаган инсонлардир. Ватани эса унга булган муҳаббат асрайди. Дарҳақиқат, Президентимиз айтганидек, «...томирда миллий ғурур, ватан иши қўшурган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратилиши керакки, юртимизнинг ҳар бир бунга, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан, фахрлилик, ҳисби кўзимизни, қалбимизни яшатиб турсин».

Ғунчага гулламоқ, офтобга ҳар тонг юз кўрсатмоқ фарз. Сизу бизга эса Ватани севамко, унинг бағрида фаровон ҳаёт кечирмоқ, энг муҳими, бир тану бир жон бўлиб уни асрамоқ фарзидир.

«Ishonch» мухбири  
Абдулатиф АБДУЛАЕВ  
суҳбатлашди

Курултойдан курултойгача

**Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маънавий манфаатларини ҳимоя қилишда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Аммо ютуқларнинг асл қалити — аъзолар сонининг кўпайиши билан боғлиқ. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, янги-янги жамоаларни аниқлаш ва уларни вакиллик таркибига қўшиб олишга ҳаракат қилмоқдамиз.**

чи корхоналарни бирма-бир аниқлашга эътиборни қаратдик. Натижада, айниқса, нодавлат сектордаги корхоналар ҳамкорликда ишлаш бўйича тақлифимизни бажонидил қабул қилишди.

Тадбиркорлик субъектларида меҳнат шартномаларини тузиш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали уларни янада кенгроқ қамраб олиш борасида ҳам ютуқларга эриша бошладик. Нодавлат

кибида 41 та корхона мавжуд бўлиб, уларда фаолият юритаётган аъзоларимиз сони 6762 нафарга етди. Бошлангич ташкилотлар ва аъзолар сонини ошириш борасида ҳали имкониятларимиз бисёр.

Тарғибот-ташвиқот ишларида, соҳавий билымларини аъзоларга тўлақонли етказишда «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталарининг роли катта бўлмоқда. Шу тўғрисида нашлашга обуначилар

# Сафимиз кенгаймоқда


2008 йилда вакиллик таркиби бор-йўғи 10 та корхона тасарруфидаги 3791 нафар касабга уюшма аъзоларидан иборат эди. Бунинг учун биз вилоят статистика бошқармаси орқали ҳудудда фаолият юритаётган қурилиш ва қурилиш ашёлари ишлаб чиқарув-

сектори, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўртасида касабга уюшма аъзаллигини асослашга қаратилган турли тадбирлар, урғушув ва юзма-юз мулоқотларга алоҳида эътибор бердик.

Ҳозирги кунда вакиллик тар-

сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

**Хусайн ИБРОГИМОВ,** Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳодимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоятидаги вакили



Сурхондарё вилоят болалар шифохонаси негизда болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилган, даволаш-профилактика ишлари сифати сезиларли даражада яхшиланди. Тиббий муассаса УЗИ, ЭКГ, рентген, ФДС каби замонавий апаратлар билан жиҳозланди. Шунингдек, 81 минг 606 АҚШ доллари қийматидаги видеогастраскоп, бронхофиброскоп билан таъминланди.

Даволашнинг замонавий усуллари билан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётган, — дейди Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Абдусамид Норқобилов. — Ҳодимларимиз энг чекка қишлоқларда ҳам бўлиб, болаларни тиббий кўриқдан ўтказиб, тегишли тавсиялар бермоқда. Шу йилнинг ўтган даврида туманларда 14 ёшгача бўлган 1 минг 400 нафардан ортиқ болани чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдик.

Суратда: Чақалоқлар паталогияси бўлими бошлиғи Махмадали Исмоилов ва ҳамшира Мавлуда Одамбоева чақалоқни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида.

Касаба уюшма ҳаёти

## Ёш оилаларга ёрдам

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида изчил равишда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаб келаяпти.

Ўтган фурсатда 12 та оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган жиҳозлар хариди ҳамда уй-жой қурилиши учун кредитлар олинишига кўмаклашилди.

## Имтиёз

Жорий йилнинг ўтган даврида Самарқанд вилоятидаги 30 та корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотлари талабаларга ёрдам қўрсатди. Айни чоғда 53 нафар талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди.

Шунингдек, 170 нафар аёлга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кўни узайтирилди. Уларга 12 млн. 305 минг сўм миқдорда қўшимча маблағ тўланди.

**Н.ШАМСИЕВ,** «Ishonch» мухбири

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2011 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тасвияномаларни тақдим этиш муддати 2010 йилнинг 25 октябридан 2011 йилнинг 25 январигача белгиланганлигини маълум қилади.

**Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:**

- республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқроқ миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, иxtиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидagi энг илгор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);
- республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир қўрсатган иxtиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илгор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

**Адабиёт соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:**

- ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқроқ миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеърый, насрий ва

драматик асарлар, ўзбек адабиёти энг нодир асарларининг хорижий тилларга таржумалари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);

— замонавий ўзбек адабиёти ривожини муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етуқ асарларининг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

**Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотига қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:**

- республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);
- республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).
- республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотига ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгартирилган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тасвия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига тақдим этилиши мумкин.

Музыка, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтган, тасвия этилиши мумкин.

**Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотига**

тақдим этиладиган ҳар бир ишга тасвия этувчи ташкилот томонидан тасвиянома хати ёзилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллифлар (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, иш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбод тартибда кўрсатилади);
- ишнинг номи;
- ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга оширилиш қўлами;
- унинг тугалланган, нашр қилинган, қурилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.

Тасвиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдагина хатни раҳбарнинг ўринбосари имзолайди.

**Тасвиянома хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

- ишни тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;
- ишнинг қаерда амалга оширилган, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жи-

ҳатдан тасвифи қайд этилган ҳолда қисқача мазмуни (ҳажми 10 саҳифадан ошмаслиги, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак);

Агар мукофотга тасвия этилган тадқиқот иши бюуртмага кўра бажарилган бўлса, бюуртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим.

— муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга қўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;

— ҳар бир муаллиф учун 4x6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ҳодимларни ҳисобга олиш варақаси ҳамда маълумотнома (электрон варианты билан);

— қўшимча 4 донна 4x6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;

— илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарсликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар, конструкциялар тасвиқлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қурилган иморатлар ва иxtироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоалбом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.

**Эслатма:** таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосалари илова қилинади.

Мукофотга тасвия этилган иш ва унга оид ҳужжатлар уч нусхада

топширилиши керак.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхаларининг ҳар бир йиғмаси алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий, адабий, бадиий асарлар ёки алоҳида муқоваланган ишнинг баёнидан бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тасвияномалар Кенгашининг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тасвияномалар Кенгашининг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тасвияномалар Кенгашининг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан қабул қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига қуйидаги талаблар билан танишиши ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

**Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:**  
100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона.

Тел.: (371) — 233-59-46.  
**Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:**  
100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 17-хона.  
Тел.: (371) — 239-49-57, 244-41-34.  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши**

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

Орзулари ойдин қиз



Эндигина ўн тўрт баҳорни қаршилаган бу қизалоқни кўндан бери биламан...

Занд, У Зафаробод туманидаги 10-умумтаълим мактабининг 8-синфида таҳсил олади...

Санъат сеҳрига ошуфта митти қалбнинг халқимиз хунармандчилигига эътибори унга бўлган меҳримизни ўн чандон оширди...

Баҳовуддин Нақшбандий сават тўқигани, Яссавий бобомиз қошиқ ясагани, Пахлавон Маҳмуд пўстин тиккани, Абдулла Қодирий бўлса...

қичларида ўтказилаётган кўрик-танловларнинг қатор совринларини кўлга киритди.

Яқинда Жиззах шаҳридаги 1-мактабда «Дўппи тикдим, ипақлари тиллодан» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Жамиятимизда билимли, интилувчан ва ташаббускор ёшлар қатлами шаклланаётган экан, Фарида Турсунқулова ҳам уларнинг бири эканлиги қалбга фахр бағишлайди.


Муҳаммад Дўстов, Жиззах вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кенгаши раиси ўринбосари

Дунё саҳнида

Учинчи минг йиллик арафасида БМТ барча давлатларга аҳолини рўйхатга олиш тадбири борасида ўз тақлифларини билдириди.

Аҳолини рўйхатга олиш тартиби

Россияда аҳолини рўйхатга олиш кўни кеча яқунлади. Таалабалар, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хизмати, жамоатчилик хизмати ходимлари, пенсионерлар уйма-уй юриб, тегишли анкетани тўлдиришди.



Уйғоқ фикр

Айримлар пулни алоҳида-алоҳида дасталаб, қанчасини нимага сарф этишни ёзиб қўяди. Натияжада, пуллар юзида айрим «доғ»лар пайдо бўла бошлайди.



Пул кимники?

Улардаги битиклардан мисол: «Раҳима 600...», «Холмат 235...», «Аренда — 60 минг» ва ҳоказо. Бу ёзувлар ичидан мен кўрган энг антиқалари «Машхур, сани севаман, севаман, севаман...».

«Ishonch»га жавоб берадилар

Чора кўрилади

Қорақўл туманида яшовчи Ибодулла Каримов тахририятимизга йўллаган шикоят хатида «Мироқи санаторийси» МЧЖ фаолиятидаги камчиликларни санаб ўтган эди.

«Мироқи санаторийси» МЧЖ юрак-қон томир, асаб, ҳаракат-таъин, нафас йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган.

Йўланма нархи бўйича оддий, ярим люкс, люкс хоналарга жойлаштирилади. Дам олувчи йўланма нархига асосан ёзги бинога жойлаштирилган.

рилар асосий даво муолажалари бепул. Ошхонада ҳамма озиқ-овқатлар, жумладан, нон, кифер, гўшт маҳсулотлари янги олиб келинади.

Хўрдада 2 марта концерт, 2 та экскурсия ташкил қилинган. Маданият ходими иш вақтида спортли ичимлик истеъмол қилганлиги сабабли эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Таклиф

Яқинда тахририятимизда ўтказилган йиғилиш баҳонасида пойтахти азимга йўлим тушди. Баъзи узрли сабабларга кўра яқин олти ой мобайнида Тошкентга кела олмагандим.

Айниқса, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри қаршидаги фавворанинг таъмирланиб, янада катталашгани, мусиқа садолари остида ўйнаётган сувнинг кўриниши ҳар қандай кишида завқ уйғотади.

қуршовида майдонга кириб қелаётган оппоқ либосдаги келин ва қора костюм-шим кийиб олган кўёв тортиди. Ёшлар бир томонга ўтиб, келин-куёвлар жуфтлиги суратчи қиз ва камерачи ҳамроҳлигида фаввора атрофида айлана бошлади.

ҳамроҳларимдан бегининг «Энди кучоқлашиб, кейин кувёвнинг тиззасига ўтириб, расмга тушади» дегани ҳаёлимни бўлди. Ҳақиқатдан ҳам кейинги кўринишлар шеригим айтган «сценарий» асосида ўтди.

нима деса шуни қилади. Чунки ўша қиз буларни суратга олгани ва «ЗАГС»ни ташкил қилиш учун ёлланган. Хайратим янада ортди. Буларнинг ҳаммаси хориждан бизга экспорт қилинапти. Ушалар нима қилса, шуни қилишади-я, барака топгурлар.

кийимларнинг арзонлигини айтмасизми? (Кимнат пулга бир марталик ажнабий кўйлак ҳаётган келинларимизга ҳам чиқим анча камаяди.) Шунда хорижликлар ҳам фотоаппарату, камераларини ишга солиб, ўзбек ёшларига таҳсин айтган бўларди.

маслигимиз керак. Бу келин-куёв кимларнингдир фарзанди. Уларнинг ҳам амма-хола, тоға-амакиси, бошқа кўп-кўп қариндошлари, кўни-кўшинлари бор. Улар қараб туришмас — тегишли хулоса чиқазилар.

Фавворага қойилман !!!



ринг, буюққа туриг» дея бошқариб турарди. Аввалига кўп ҳам эътибор бермай ўтиргандим. Сабаби, ёшлар фаввора атрофида чиройли манзаралар қуршовида ўзларининг бахтли онларини муҳрлаб қўйса, бу юрт гўзалликларидан фахрланиб, шу ерда сайр этса, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ.

римизга мийғида кулиб қараб ўтишгани менга эриш туюлди. Келин-куёвларга разм соламан. Ўзимизнинг қора кўз, қора соч юртдошларимиз. Аммо улар шу дамда гўёки ўзини ўзгалар ихтиёрига бериб қўйган «кўғирчоқ»дек туйишди. Шунда яна ҳамроҳим ўз фикрини баён этди: — Улар анави фотограф қиз

Энди, бир тасаввур қилиб кўрайлик-а? Кўёв эғнида оппоқ яқтак, белида атлас кийик, бошида Тошкент дўпписими, Маргилонми, Чуст дўпписими фарқи йўқ. Келин устида ўзимизнинг шоҳона атлас ёки адрас товланиб, бошида ироқи дўппи чамандек очилиб турса, қандай чиройли! Яна бу

Дунёга буюқ алломалар етказиб берган миллатнинг авлодлари ўз йўлини йўқотиб қўймаслиги ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг учун эса биз катталар ва барча жамоатчилик масъул эканлигини унут-

Қолаверса, ҳозир маҳалла-кўй ҳам маълум даражада бу каби тадбирларнинг, никоҳ тўйлари ва бошқа маросимларнинг иштирокчисига, ташкилотчисига айланган. Маҳалла кўмиталари қошидаги комиссиялар тўй-маракаларни батариб ўтказиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас экан. Шунинг учун қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро бу борада фаолларга ёрдам бериши ўргансак, турли тадбирларни мевёрида, тўй-маросимларни миллий урф-одатларимизга муносиб тарзда ўтказишга ҳисса қўшган бўламиз. Аслида, бир болага етти маҳалла ота-она, деган мақол сизнинг, бизнинг — ҳаммамизнинг зиммасига ана шу масъулиятни юклайди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси очилганига 12 йил тўлди



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Орамиздаги одамлар

Абадиётга муҳрланган ЛАХЗАЛАР

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири Шомурод Шаропов ҳақида кўп эшитган бўлсангиз керак. Қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи ўқитувчи. Уч нафар ўғлининг каттаси зобит. Уртанчаси Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Халқаро иқтисодий» факултетини тугатган. Кенжаси эса, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини тамомлаган. Шомурод ака икки нафар набиранинг бобоси.

— 1995 йилда «Фотохаваскорлар учун қўлланма» ёздим ва у Халқ таълими вазирлиги тавсияси билан кўп нусхада чоп этилиб, мактаб кутубхоналарига тарқатилди. Ҳозирги тараққиёт асрида фотография соҳасига ҳам қўллаб янгиликлар кириб келди, рақамли фотоаппаратлар ишлатилаяпти. Айни пайтда фотожурналистлар учун яна бир қўлланма ёзиш устида ҳам иш олиб бораёман.

Учинчи «Сулаймон ота хангомалари», «Қаҳлак эртақлари», «Омонхона мўъжизалари» каби асарлари ўз ўқувчиларига эга. Яқинда «Қашқадарь зиёратгоҳлари» деб номланган янги китоби нашрдан чиқди. Шомурод ака билан суҳбатимиз ҳам айнан шу тўплам ҳақида бошланди. — Илм аҳли фикрича, дунёда урта илоҳий замин бор, — деб сўз бошлади Шомурод ака. — Биринчиси — маркази Қуддус шаҳри бўлган Фаластин. Чунки пайгамбарларнинг асосий қисми ўша ерда туғилган.

Чиндан ҳам, фотография шундай соҳаки, у кириб бормаган баҳба йўқ. Космос, ер ости ва ер усти бойликлари, матбуот... барча-барчасида унинг ўз хизмати бор. Фотоаппарат ўтаётган дақиқанинг мингдан бир улушини тарихга муҳрлайди. Айниқса, матбуотда фотографиянинг ўрни беқийс. — Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз... — Матбуотга қизиқишим кучлиги боис, фотожурналистика соҳасига қадам қўйганман. Фотография сир-синоатларини эса Қашқадарь вилоятидаги етакчи фотомухбирлар Неъмат Содиқов, Тоҳир Ҳамидовдан ўргандим. 1972 йил Қарши давлат университетини тугатиб, 1976 йилда «Чўл ўлкаси» газетаси тахририятида фотолитини бошладим. Жумладан, россиялик таниқли фотожурналист Григорий Зилма, ҳамюртларимиз Алишер Авазов, Искандар Хўжаев, Рустам Шагаев, Абдусаттор Тўраев, Рўзмет Жуманнэзовни ҳам ўзимга устоз деб биламан.

Учинчи илоҳий замин бу — Мовароуннаҳр. Бу ердан қўллаб авлиёлар, алломаи замонлар етишиб чиққан.

— Шогирдларингиз ҳам кўпдир... — Мурод Комилов, Собир Нарзиев каби изланувчан фотомухбирлар мени ўзларига устоз деб билишди...

Бугун қўллаб қадамжоларимиз обод қилиниб, зиёратгоҳларга айлантирилди. Қасбим тақозосига кўра, кўпчица сафарда юраман. Сафар давомида кексалар билан суҳбатлашиб, зиёратгоҳлар ҳақида маълумот йиға бошладим.

— Журналистларнинг қўшимча даромад манбаи ҳақида нима дейсиз? — Журналистикани пул топиш, бойлик манбаи деб тушунамаслик керак. Журналистнинг номи қаттиқ бўлади. Фидойилик унинг обрўсини оширади.

Иккинчиси — Арабистон ярим ороли. Қабанинг жойлашуви, Қуръони Каримнинг нозил бўлиши ҳамда Муҳаммад алайҳиссаломнинг бу ерда дунёга келиши мазкур замин нуфузини оширди.

Унинг қўшимча моддий манбалари ҳақида гапирсам, журналистнинг томорқаси бўлса, у билан «тиллаша олиши» керак. Ер билан тиллашдингизми, у сизни боқадди. Кўчат етиштириб сотсин, бўйрадеккина ердан бир дунё кўчат чиқади.

Кейинги ўн йилда олиб борган изланишларим натижасида «Қашқадарь зиёратгоҳлари» китоби чоп этилди. Унда Қарши туманидаги Абу Туроб Нахшабий, Шайх Шиббий, Ҳазрати имом Муъин, Имом Муҳаммад Ҳанафий, Қўқ тўнли ота, Қасби туманидаги Ҳазрат Султон Мирҳайдар, Яқабгоҳдаги Хожа Илғор, Шаҳрисабздаги Гумбази Саййиди, Китоб туманидаги Саид Неъматуллоҳ каби йигирмага яқин зиёратгоҳ ва қадамжолар ҳақида маълумот тўпланди. Энди «Қашқадарь зиёратгоҳлари»нинг иккинчи китоби устида-иш олиб бораёман.

Менинг ҳам саккиз сотихли ҳовлим бор. Унинг атрофида икки сотих бўш ер бор. Ҳар йили еримга қарағай, қора арча, нинабаргли дарахт уруғларини экиб, уч-тўрт йил парвариш қиламан ва кўчат ҳолида харидорларга сотаман. Бундан ташқари, гул кўчатчилиги билан ҳам шуғулланаман. Қўшимча ишларимдан ҳар йили 3-4 миллион сўм соф фойда оламан. Ҳовлимда 20 хилдан ортиқ мевали дарахт бор. Ҳалол даромадим орқали оила тебратиб, қасбимга меҳр билан ёндашаман.

— Сиз бир неча йилдан буён Ўзбекистон миллий ахборот агентлигида вилоятлараро фотомухбир сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқдасиз. Фотографияга оид қўлланма ёзиш ҳақида ўйлаб кўрмадингизми?

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Спорт оламида

Ўзбекистон — иккинчи бор жаҳон чемпиони!



Ўтган ҳафтада Аргентинанинг Креспо шаҳрида ампутантлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтганидан хабарингиз бор, албатта. Ушбу чемпионат Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасига яна омадли келди. Вакилларимиз кетма-кет иккинчи маротаба жаҳон чемпиони деган номни қўлга киритишди. Чемпионатнинг финал баҳсида терма жамоамиз мезбонлар — Аргентина терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, ўз унвонларини сақлаб қолишди.

Урашувнинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимининг бошида Хайдарали Турсунбоев ва Қудрат Худойқуловлар терма жамоамизнинг 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишини таъминлашди. Орадан 6 дақиқа ўтиб, Уго Херену орадаги фарқни биттага қисқартирди. Уйиннинг охирига дақиқаларида Хайдарали Турсунбоев яна бир марта гол муаллифига айланиб, якуний ҳисобни ўрнатди — 3:1.

Қитъа чемпиони старт олди

24 октябр куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» ва «Жар» стадионларида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатидаги старт берилди. Бу йил ўн тўртинчи бор ташкил этилаётган қитъа чемпиони Осиё футбол конфедерацияси (ОФК), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Турнирда қитъамизнинг ўн олти давлатидан келган терма жамоалар баҳс юритмоқда.

Газетамизнинг аввалги сонларида хабар берганимиздек, чемпионатнинг биринчи турида ўсмирларимиз Индонезия термасига қарши майдонга тушиб, 3:0 ҳисобида ишончли ғалабани қўлга киритишди.

Урашувнинг иккинчи бўлимида иқтидорли ҳужумчи Темур Ҳакимов рақиб ҳимоячиларини доғда қолдириб, ҳисобни 2:0 га етказди. Уйиннинг 60-дақиқасига келиб, Сардор Собирхўжаев Индонезия дарвозасини аниқ нишонга олди — 3:0.

«А» гуруҳидаги иккинчи урашувда Тожикистон ва Иордания терма жамоалари ўзаро куч синашди. Кескин баҳсларга бой бўлган урашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Гуруҳда уч очко билан етакчилик қилаётган ўсмирларимиз иккинчи урашувни бугун Иордания терма жамоасига қарши ўтказди.

Шотокан каратэ-до Вакилларимизнинг улкан зафари



Кипрнинг Никосия шаҳри мезбонлик қилган шотокан каратэ-до бўйича жаҳон кубогида мамлакатимиз спортчилари 14 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Беш кун давом этган мусобақада юртдошларимиз ёшлар, катталар ва фахрийларга бўлиниб, ўзларининг нималарга қодирликларини амалда исботладилар.

Дастлаб ката беллашувларида тажрибали спортчилардан Зулхумор Бобоева ўз ёшида термаимиз ҳисобига биринчи олтин медални келтирган бўлса, яна бир спортчи Дилмуҳаммад Эргашевга тенг келадиган рақиб топилмади. Дониёр Усмонов 18 ёшдан катталар ўртасида ката машқларининг устаси эканлигини намоиш этган бўлса, тажрибали каратэчи Зумрад Тазетдинова ўн саккиз ёшдан катталар ўртасида биринчи ўринни эгаллади ва термаимиз ҳисобига тўртинчи олтин медални қўшиб қўйди.

— Жаҳон кубоги беллашувлари фақат яқкалик тарзда ғолиблар номини аниқлади. Агарда жамоа катаси ўртасида ҳам баҳслар бўлганда термаимиз ҳисобидаги олтин медаллар сони янада ортишига шубҳа йўқ эди, — дейди жамоа бош мураббийи Ҳужамкул Ҳужақулов. — Негаки, ҳамюртларимиз орасида жамоа катасини маромига етказиб бажарадиган спортчилар кўпчилигини ташкил этади.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

Тадбир Зулфия издошлари

Яқинда Навоий шаҳар ижодиёт уйида Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда таълим даргоҳларида аъло ҳулиқи, ўткир зеҳни, алоҳида қобилияти билан кўпчилигининг эътиборини қозонган қизлар иштирок этишди.

Комиссия аъзолари Навоий давлат педагогика институтини ҳузурдаги 2-сонли академик лицей, Навоий маданият ва спорт коллежи, 2, 5, 11, 12-умумтаълим мактаблари ҳамда ижодиёт уйидан тавсия этилган номзодларга юқори баҳо беришди. Зебо ҚУТЛИЕВА

Музей аждодларимиз томонидан яратилган ноёб санъат асарлари, тарихимизга оид қимматли экспонатларни сақловчи ва намоиш этувчи маскан ҳисобланади. Юртимизда музейлар фаолиятини яхшилаш борасида кўрилаётган чоралардан мақсад ҳам шунда.

Музейларда юрт тарихи

Бу йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат тасдиқланди. Бугунги кунда «Музейлар тўғрисида»ги қонун билан бирга 10 та Низом тармоқ фаолиятини тартибга солиб турибди. — Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиши ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 18 ёшгача бўлган ёшлар учун давлат музейларида турган ашёлар ва коллекцияларни бир ойда бир марта бепул кириб кўриш тартиби жорий этилди, —

Музей аждодларимиз томонидан яратилган ноёб санъат асарлари, тарихимизга оид қимматли экспонатларни сақловчи ва намоиш этувчи маскан ҳисобланади. Юртимизда музейлар фаолиятини яхшилаш борасида кўрилаётган чоралардан мақсад ҳам шунда.

Музейларда юрт тарихи

ва жаҳон маданиятини ўрганишида катта имконият яратди. Музейимизда ҳар ойнинг сўнгги жумаси «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирлари доирасида 28 мингдан ортиқ бола музейга сарҳат бепул кириб кўриш тартиби жорий этилди, —

Мозийдан садо

дейди Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи директори Баҳодиржон Хошимов. — Бу ёшларга тарихимиз, миллий шунослик музейларида бошланган хайрли ишлар Марғилон шаҳар тарихи музейида ҳам давом эттирилмоқда. Бу ерда жадвал асосида шаҳардаги мактаб ва коллеж ўқувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг экскурсиялари уюштирилмоқда. Бундан ташқари, вилоят ўлкашунослик музейида жорий йил бошидан бери болаларга бепул хизмат кўрсатадиган «Еш ўлкашунос», «Еш саёхатчи», «Еш тарихчи» тўғрақлари ҳам ишлаб турибди. Уларда 100 дан зиёд ўғил-қиз ўлкашунослик ва музейшуносликни ўрганишмоқда. Улуғбек ИБДОИНОВ, «Ishonch» мухбири

Бедана тухуми — кони фойда



Кўпгина Шарқ мамлакатларида чипор бедана тухумидан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Асаб фаолиятининг сусайиши, сил, қанд касаллигида, меъда яраси, ўн икки бармоқли ичак яраси, астма, қон босими тушганида ёки кўтарилган (гипотоник ва гипертоник)да, камқонлик ҳасталиқларига даво эканлиги тиббий нуқтан назардан ҳам исботланган. Шу билан бирга, бедана тухумининг танада моддалар алмашинуви, қон айланиши, тананинг умумий ҳолати ва фаолиятини ҳам яхшилаши аниқланган.

Дунёнинг кўп жойида шифокорлар беморларни бедана тухуми билан даволаб, яхши натижаларга эришмоқда. Чунки у таркибидаги фосфор бўйича барча озиқлардан устун туради. Бундан ташқари, дармондорилардан — А, В1, В2, РР, турли маъданлардан — калий, кальций, темир, мис, аминокислоталар мавжуд. Бедана тухумидаги дармондорилар миқдори товۇқ тухумидан 3 марта, микромаъданлар 5 марта кўп. Даво учун хомилигича эрталаб ва кечқурун овқатдан олдин ютилади. Таъминини яхшилаш мақсадида бир тилим апелсин ёки лимон қўшиш мумкин. Бедана тухумини аввалига ҳар куни бир донадан истеъмол қилиб, 3-4 кундан сўнг 6 донага етказиш керак. Бир маргалик муолажага 200 та тухум тавсия этилади.

Нимжон болаларга бедана тухуми яхши наф беради. Айниқса, буй ўсшига ёрдам беради. Дудуқлиниб гапирадиган боланинг қарори билан болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиши ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида 18 ёшгача бўлган ёшлар учун давлат музейларида турган ашёлар ва коллекцияларни бир ойда бир марта бепул кириб кўриш тартиби жорий этилди, —

хумининг бир кеча-кундуздаги миқдори кишининг вазни ва ёшига боғлиқ. 1-3 ёшли болакайлар кунига 2 дона, 4-10 ёшлилар 3 дона, 18 ёшли ўсмирлар 4 дона бедана тухумини ютиши тавсия этилади. Катталар эса ҳар куни 6 дона истеъмол қилиши мумкин. Уни музлатишда 2 ой мобайнида, хона ҳароратида бир ой сақлаш мумкин. Бедана тухуми аллергия кўзамайдди. Шуниси билан товۇқ тухумидан фарқланади.

Билиб қўйган яхши

Паришонхотирликда даво бўлади, ақлий ривожланишини кучайтиради, эркаларга қувват бағишлайди. Бунда эрталаб 3 дона, кечки пайт 3 дона бедана тухуми хомилигича ютилади. Даво муолажаси 6 ҳафта. Бедана тухуми соч ва юзга суртилса ҳам бўлади. Юз териси ранги яхшиланади, ажинлар текисланади. Бош оғриғида, бронхит, гастрит ва қувватсизликда у яхши наф беради. Ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, ту-

Subscription and contact information for 'Ishonch' newspaper, including phone numbers for various cities (Andijon, Buxoro, Jizzax, Navoiy, Samarqand, Surxondaryo, Farg'ona) and details about the publication schedule and pricing.